

## ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ МАЪНАВИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАДҚИҚИ

*Муталлибжонов Маъруфжон Муталлибжон ўғли*

*Андижон давлат университети*

*тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада талабалар касбий маънавиятини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар тадқиқи ва концептуал жиҳатларининг муҳим омили бериб ўтилган. Касб бу кишининг ўзини англаши, қилаётган ишидан қониқиш ҳосил қилишига олиб келадиган фаолият ҳисобланади. Касбий маънавиятни эса таълим-тарбия олиш орқали ривожлантириб бориш даркор эканлиги кўрсатилган. Касбий ахлоқий қоидаларнинг принциплари ёритиб берилган.

**Таянч сўз ва тушучалар:** маънавият, касб, касбий маънавият, ахлоқ, касбий малака, касб ахлоқи.

**Аннотация:** В данной статье приведены важные факторы исследования и концептуальные аспекты зарубежного опыта по развитию профессиональной духовности студентов. Занятие – это деятельность, которая приводит к самосознанию человека, удовлетворению от своего труда. Показано, что необходимо развивать профессиональную духовность через образование. Объясняются принципы профессиональной этики.

**Ключевые слова и понятия:** духовность, профессия, профессиональная духовность, нравственность, профессиональная компетентность, профессиональная этика.

**Annotation:** This article presents important factors of research and conceptual aspects of foreign experiences on the development of students' professional spirituality. Occupation is an activity that leads to self-awareness of a person, satisfaction from his work. It is shown that it is necessary to develop professional spirituality through education. The principles of professional ethics are explained.

*Key words and concepts: spirituality, profession, professional spirituality, ethics, professional competence, professional ethics.*

**Кириш.** Сўнги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш билан бирга талаба ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашлари, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш билан бирга уларда касбий маънавиятни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис таълим муассаларида талабаларнинг ўз соҳаларини мукамал эгаллашлари билан бирга инсоний муносабатларда маънавий баркамол шахслар этиб тарбиялаш таълим –тарбия жароёнининг ажралмас қисмига айланган.

Маълумки инсон таълим жароёнида касбий малака билан касбий маънавият биргаликда ўзлаштириб боради. Биробарин, ўқитувчи маънавити, врачнинг, ишчининг, деҳқоннинг, тadbиркорнинг ва ҳақозо ҳар бир касб эгасининг маънавияти бир-биридан фарқланади. Кундалик фаолиятда таълим-тарбия, мулоқот ва танишувлар орқали касбий маънавият ҳам ривожланиб боради. Бунда талабаларда олган билимларни амалиётда қўллай олиш қобилияти шаклланиб боради.

**Мавзунинг долзарблиги.** Касбий фаолият жараёнида маънавий муҳитга алоҳида урғу берилади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзини намоён қилиш имкониятини кенгайтиради. Бугун талаба-ёшларда очиққўнгиллик, ўзгаларга ҳурмат, қонунга итоат қилиш, воқеликка танқидий баҳо бериш ва муросасозлик каби ижтимоий фазилатларни ривожлантириш орқали касбий маънавиятни шакллантириб ва ривожлантириб борилади.

Таъкидлаш керакки, касб бу кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти тури, муайян иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат, тажрибани талаб этади. Касб маълум бир кўникмаларни эгаллаш орқали қўлга киритилади. Қолаверса, касб кишининг ўзини англаши,

қилаётган ишидан қониқиш ҳосил қилишига олиб келадиган фаолият ҳисобланади.

Талабаларнинг касбий маънавиятини концептуал асоси – унинг одоб, хулқ ва ахлоқини узвий маънавий босқичлар сифатида ўрганилишини тақозо этади. Яъниким, ахлоқ қоидалари бу инсоннинг хулқ, феъл атворини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Ахлоқ қоидалари жамият аъзолари томонидан ўрнатилади. Бу инсонни ҳатти-ҳаракатини бошқаради. Ахлоқли киши бундай қоидаларга риоя қилиши шарт эканлигини англатади.

Касбий маънавият тизимида ахлоқни алоҳида ўрни бор. Ахлоқ бу-хушмуомалалик, оддийлик, камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, очиқ кўнгиллик, сахийлик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат каби қоидаларини айтиб ўтиш зарур. Ахлоқни биз шахснинг кўзгусига бежиз ўхшатмаймиз. Одоб-ахлоқ қоидаларини мужассамлиги асосида маънавият юзага келади.

**Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.** Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, маънавият бу - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир<sup>1</sup>. Шу боис маънавият инсонга сув ва ҳаводек зарурдир. Маънавий етук инсон қандай касб эгаси бўлишига қарамай ҳалол ва фаол ҳаёт кечиради. Инсоннинг касбий фаоллигини маънавий фаоллиги билан уйғунлаштиришга ундайди.

**Мақоланинг илмий янгилиги** Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга шунингдек касбий фаолиятга тайёрлашда биографик таълимнинг аҳамияти катта.

**Тадқиқотнинг мақсади** Майрнинг фикрича<sup>2</sup>, шахснинг ривожланиши, унинг қизиқишлари, ҳаётий тамойиллари, шаклланган қадриятлар тизими ва у танлаган касб ёки фаолиятнинг мослик даражаси қанча юқори бўлса, унинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008. 15 бет.

<sup>2</sup> Mayr, J. (2009): LehrerIn werden in Österreich. Empirische Befunde zum Lehramtsstudium. In: Erziehung und Unterricht 1-2/2009, S. 18)

меҳнат фаолиятдан қониқиши, касбий муваффақиятга эришиши ва касбий карерага эришиши шунга монанд юқори бўлади.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сирдарё давлат университети, Андижон давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика институти

**Тадқиқотда** тизимлилик, умумийлик, қиёсий-тахлилдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг эмпирик манбаини** анкета ва сўровномалари натижалари ташкил этди.

**Асосий қисм.** Киши ёлғиз ўзига керакли нарсаларга эриша қилолмайди ва эҳтиёжларини қондиrolмайди. Бошқаларнинг меҳнати, ҳунари, маҳорати ва бошқа хусусиятларидан фойдаланишга мажбур бўлади. Инсонни касбий этикаси унинг юриш-туришидан маълум бўлади. Ё аслингдек бўл, ё кўринганингдек бўл деб бежизга айтилмаган. Бу борада жамиятда ахлоқ-одоб қоидалари ўрнатилган тартибга риоя қилади. Жалолиддин Румий Хазратларининг ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч наrsa керак: “диққат, интизом ва ҳаракат” деб насиҳат қилганлар. Қаерда тартиб интизом бўлса, ўша ерда юксалиш бўлиб, касбу корида файз-барака бўлади.

Маҳмуд-Аз-Замахшарий ўзининг ахлоқий панд насиҳатларида бирида “Ҳалол покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнатга ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга грифтордир”<sup>3</sup> деган ҳикматли гапни таъкидлаган. “Чунки у виждон азобию, таънадан тўғри бўлмаган одамни таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тўғрилаши амри маҳол”<sup>4</sup> дир деб айтган. Бугун бизнинг ҳар бир касбимиздан ҳалол фойдаланишимиз учун қалбимизнинг амрига қулоқ тутмоқлигимиз даркордир.

Кайковус эса ўзининг “Қобуснома” асаарида шундай ёзади: “Бас, агар ақлинг бўлса ҳунар ўрганғил, нединким ҳунарсиз ақл – бошсиз тан, суратсиз бадандекдир... Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас”<sup>5</sup>. Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур.

<sup>3</sup> Аз Замахшарий. Нозик иборалар. Т.: “Камалак”. 1992 й. 52-бет

<sup>4</sup> Аз Замахшарий. Нозик иборалар. Т.: “Камалак”. 1992 й. 71-бет

<sup>5</sup> Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Истиклол», 1994 й. – 26-б

Агар кишида ҳам насаб гавҳари ва ҳам ҳунар зевари бўлмаса, ундан баттарроқдур,-деб таъкидлаган. Яна шундай фикрни айтган, “Андоқким дебдурлар: “Улуғлик ақл ва донишлик биладур, гавҳар ва насаб била бўлмас”<sup>6</sup>. Ҳар ким ўз севган касби билан шуғулланиши керак, шунда кишида меҳр, шижоат, кўтаринкилик, матонат ва мамнунлик кайфияти доимо сезилиб туради. Жамиятга бундай инсонлардан кўп наф етади.

Биз ахлоқ-одоб қоидаларини концептуал асоси сифатида алломаларимизнинг фаолиятига назар ташласак, хусусан, Абу Наср Форобий фазилатли шаҳарда илм, фалсафа, ахлоқ, маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда жамият етукликка эришади, дейди. Инсоннинг камолоти учун хизмат қилган, ҳайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларни яхшилик деб ҳисоблайди. Инсоннинг камолотига тўсқинлик қилувчи дангасалик, бекорчилик каби ёмон одатлар, билимсизлик, онгсизлик, касб-ҳунарга эга бўлмаслик каби нуқсонларни ёмонлик деб, кишиларни ундан огоҳлантиради<sup>7</sup>. Бу шуни англатадики, жамиятда инсонлар доим ўз бахти-саодатини, ўз ўрнини топсагина бахтга эришади, бунинг учун аввало ҳар бир инсон ўзи севган касбни танлаши ва ўз устида доим изланиши ва бу ўз навбатида моддий фаравонликнинг юксалишига олиб келади<sup>8</sup>.

Хулқ-одоб маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий маънавий хулқ-одоб маданиятнинг энг юксак шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Унинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни баланд. Буларга мисол қилиб, муаллимлик одоби, ҳуқуқ-тартибот ходимлари одоби, муҳандис одоби сингари бир қанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий

<sup>6</sup> Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Истиклол», 1994 й. – 32 б.

<sup>7</sup> S.Otamurodov, S.Hasanov, J.Ramatov “Ma’naviyat asoslari”. Toshkent, “A.Qodiriy” nomidagi xalq merosi nashriyoti. 2002, 160 – bet

<sup>8</sup> Abu Nasr Forobiy “Fozil odamlar shahri”. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nashriyoti, 1993. - 40 – 41 – betlar.

муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Шунини айтиш керакки, касбий маънавиятни биз кўп ҳолларда касбий хулқ-одоб деб ҳам атаймиз.

Ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларнинг касбий маънавияти - унинг ички меҳнат тартиб қоидалари, Меҳнат кодекси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни, иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланишни, меҳнат интизоми ҳамда иш берувчи билан ходим ўртасида юзага келадиган бошқа ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Булар жумласига Олий таълимнинг ахлоқ-одоб қоидаларини киритишимиз мумкин.

Шундай қилиб, инсоннинг севган касбига эга бўлиши унинг маънавий камолатни англаб, шу маънавият асосида том маънодаги моддий фаровонликка эришилиши мумкин. Шунинг учун ҳам маънавий қашшоқлик, моддий қашшоқликдан кўра инсонни кўпроқ қадирсизлантиради.

Маълумки, қадимги аждодларимиз комил инсон бўйича шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликни, адолатсизликка нисбатан муросасиз исёни бўлиши керак. Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қараб тура олмайди.

Жамиятда фуқароларни касбий фаолиятидаги одоб-ахлоқ қоидалари қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши керак<sup>9</sup>: хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт; ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан кўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори.

қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслик; ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик; давлат ва жамият манфаатларига содиқлик; адолатлилик, ҳалоллик ва холислик; манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

**Хулосалар.** Талабалар касбий маънавиятини мукамал эгаллаш орқали Бўлғуси мутахассис бўлиб етишаётган кадрлар жамиятда, таълим муассасаларда ўрнатилган одоб-ахлоқ тартиб қодаларга катъий риоя қилишларсагина мутахассис, маълумотли инсон сифатида жамиятда ўз ўрнига эга бўлаоладилар. Бу ҳар бир шахснинг касбий маънавиятини англаши, намоён этиши яъни кийиниши, муомласи, билимлилик савияси ва ҳ.о орқали бошқаларга ибрат бўла олишлари ёки қўл остидагиларга ўз сўзини ўтказолишлари ёки бошқаларга касбий маънавий таъсир этаолишлари мумкин.

Таълим тизимида маънавиятнинг ажралмас бўлаги – одоб-ахлоқ қоидаларнинг асосий вазифалари: ёшларнинг билимли, одоб-ахлоқли, соғлом фикрли, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишига қўмаклашиш, ўзаро тенглик ва белгиланган тартиб-қоидаларга итоаткорлик ҳиссини уйғотиш, уларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш учун шарт-шароит яратиш, ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бақувват, иймони бутун ва виждони уйғоқ мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаева Б.С. Олий таълим тизимида замонавий таълим технологиялари ва педагогнинг инновацион фаолияти. - “Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий конференция. 2018 йил 27 апрель. – Т.: ТДПУ, 13-бет.

2. Маур, J. (2009): LehrerIn werden in Österreich. Empirische Befunde zum Lehramtsstudium. In: Erziehung und Unterricht 1-2/2009, S. 18.

3. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб. пособие. – Т.: GrandPaper, 2011. – 92 с.
4. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси. – Т.: 2009. – Б. 86-87.
5. Ходжаев Б., Уразова М. “Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: “Истеъдод” нашриёти, 2016. – 54-55 б.